
АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИ КЕЧИКТИРМАСЛИК ЗАРУР

Бугун М. Келдиев ММТП ҳудудида жойлашган “Саховат замини” фермер хўжалигида “Долзарб 40 кунлик” доирасида 2024 йил ҳосили учун ёўза майдонларида амалга оширилаётган муҳим агротехник тадбирларни бажарилиши ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича фермер хўжаликлари раҳбарлари учун йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоятдан бириктирилган вакиллар, Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Фаррух Усаров, туман ҳокими Баҳодиржон Холиқов, туман прокурори Рашидбек Меҳмоновлар иштирок этишиб, бугунги кунда пахта майдонларида амалга оширилиши керак бўлган зарур агротехник тадбирларга тўхталиб ўтишди.

Йиғилишда мутахассислар томонидан фермер хўжаликлари раҳбарлари, ММТП раисларига зарур тавсиялар берилди. Барча бирдек ишлашга келишиб олинди.

2024-07-26 15:41:55